O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

# КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 31 декабрь ЧОРШАНБА
№ 104 (12.115)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## Вилоят ҳаёти

### ЯНГИБОЗОРДА ХУСУСИЙ ШИФОХОНА

**Шундай олижаноб кишилар борки, улар ўз фаолиятларини эзгулик ишларига, халққа хизмат қилишга бағишлайдилар. Асли касби асаб касалликларини даволаш бўлган Муҳаммадий Номохонов ана шундай инсонлардан.**

У кўп йилдан буён Юқоричирчиқ туман марказий поликлиникасида ишлаб келди. Мустақилликка эришилгач, аҳолига намунали хизмат кўрсатадиган шифохона қуриш унинг эзгу орзусига айланди. Кўп йиллик саъй-ҳаракат бекор кетмади. Янгибозорда ўз маблағи ҳисобидан Янги йил арафасида хусусий даволаш-диагностика клиникасини очишга муваффақ бўлди.

– Бу саломатлик кошонасини бунёд этишда туман ҳокимлиги, ҳамда қурувчи-муҳандис Мажид Абдураҳмоновнинг ҳиссаси катта бўлди. – дейди бош шифокор Муҳаммадий Номохонов. – Клиникамизда стоматология, массаж, физиотерапия, игна ва лой билан даволаш, ванна, парафин, душ, УЗИ, шарқ усулида даволаш, ногиронларга хизмат кўрсатиш хоналарини ташкил этдик. Бугунги кунда 22 тиббиёт ходими беморларга хизмат кўрсатмоқда.

Янги йил арафасида шу хусусий шифохонани очишга бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

**Иноғом ХОЛТУРСУНОВ.**

### "РАВШАНОЙ ФАЙЗ"НИНГ ТОРТЛАРИ

**Олмалиқдаги Алишер Навоий номидаги маҳалла марказида янги иш бошлаган "Равшаной Файз" хусусий фирмаси аҳоли дастурхонига ўзининг илк маҳсулоти – Янги йил тортларини тортиқ этди.**

Фирма раҳбари Равшаной Бобоеванинг эътироф этишича, тикувчилик цехи ҳам фаолият юритаяпти. Бу ерда ишлаётган ходимлар қисқа вақт ичида 20 нафарга етди.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

*Президент арчаси*





# МЎЪЖИЗАГА БОЙ КУН

**Байрам шукуҳи ҳар бир хонадонга кириб келаяпти. Вилоятимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида болакайлар учун Янги йил тантаналари бошланди. Энг катта арча байрами эса вилоят "Маънавият ва маърифат" марказида ўтди.**

Севимли эртакларнинг қаҳрамонлари болаларни марказ ҳовлисида Қорбобо бошчилигида кутиб олишди. Хилма-хил ўйинчоқлар билан безатилган улкан арча атрофида анъанавий шод-хуррамлик бошланди. Президент арчаси ўз атрофига кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари – меҳр-муҳаббат ва эътиборга, айниқса, муҳтож болаларни тўплади. Табиийки, ташкилотчилар ҳам уларнинг кайфиятини кўтариш ҳаракатида бўлишди. Зеро, Янги йилни қандай кутиб олсанг, шундай кайфият билан яшайсан, дейишади.

Қорбобо ҳар бир болакайнинг кўнглини олиш ҳаракатида: гоҳ у, гоҳ бу кичкинтой билан суҳбатлашади, бирдан кўзлари чақноқ қизалоқни арча атрофида рақсга тортиб қолади. Ўйин-кулгу топқирлар ва зукколар баҳсига уланиб кетади.

Ниҳоят, болакайларни залга таклиф қилишди. Вилоят ҳокими Рустам Холматов







уларни Янги йил билан қутлади:

– Янги, 2009 йил ҳаммангиз учун бахт-иқбол йили бўлсин, – деди ҳоким. – Ҳаммаларингизга қувонч олиб келсин. Биз, катталар эса, сизларнинг орзу-ҳавасларингиз ушалиши учун нимаики зарур бўлса – бажарамиз. Аъло баҳоларга ўқинг. Ижтимоий фойдали касбларни эгалланг.

Болаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янги йил совғалари улашилди. Кейин залга бамисоли қиш эртаклари кириб келди. Бу гал тантана режиссёрлари саҳна томошаларини концерт дастури билан моҳирона уйғунлаштиришди. Қўғирчоқлар рақсига "Нефертити" болалар ансамбли ва миллий рақс жамоаларининг чиқишлари уланиб кетди. Ўйинқароқ масхарабоз бот-бот залда пайдо бўлиб, болакайларни сеҳрли эртаклар оламига бошлади. Ажойиб кўзбўямачиларнинг мўъжизалари болаларни гўё сеҳрлаб қўйди. Улар юзлаб кичкинтойларнинг шундайгина кўзлари ўнгида бўш қафасдан каптарларни олиб учиришарди. Ўргатилган кучукча билан маймуннинг саҳнада пайдо бўлиши, беш метрли илон ва гаплашувчи тўти болакайларни, айниқса, ҳайратга солди. Ёш томошабинлар театри санъаткорлари намойиш этган "Билағон қуёнча" спектаклини болалар мириқиб томоша қилишди.

– Ниҳоятда мароқли, таъсирли томоша бўлди, – деди Юқоричирчиқ туманидаги 34-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Инна Бадиёрова. – Мазза қилдик. Янги йил арчаси ҳаммамизга жуда ёқди. Қорбобо қандай ўқиётганимни билар экан, "аъло" баҳоларим учун совғалар берди.

Ниҳоят, спектакль охирига етди. Лекин эртак қаҳрамонлари болаларга Янги йил оқшомида уларнинг давраларига қайтишга сўз беришди. Қишки бу қувноқ байрамда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Фақат мўъжизага ишонсангиз бас.

**СУРАТЛАРДА:** вилоятда Янги йил тантаналари ана шундай бошланди.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# ЯХШИ НИЯТ БИЛАН

**Бугун – йилнинг сўнгги куни. Тугаётган 2008 йил ўзининг оламшумул воқеалари, улкан ютуқлари ҳамда дунёнинг у ёки бу чеккасида юз берган турли ҳодисалар хотиралари билан тарих саҳифаларига муҳрланаётир. Кириб келаётган 2009 йилни эса, кўтаринки кайфият билан қарши олаяпмиз. Ҳар биримиз шу кун байрам дастурхони атрофида, оиламиз даврасида йил давомида эришган ютуқларимизни мамнуният билан сарҳисоб этамиз. Қолаверса, истиқболимиз, бахту саодатимизни кўзлаб, келгуси йил учун янги-янги орзу-ниятларни кўнгилга тугамиз.**

Хўш, ўтиб бораётган Ёшлар йили ижтимоий-маънавий ҳаётимизда, келажагимиз ворислари бўлмиш ўғил-қизлар тақдирида, хусусан, жамият равнақида қандай из қолдирди?

Мустақиллик йилларида бошланган туб ислоҳотлар ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда катта самаралар келтирмоқда. У саноат ишлаб-чиқариши соҳаси бўладими, тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи саъй-ҳаракатлар бўладими, ёки, халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги янгиланишлар бўладими, яратилаётган шарт-шароитлар ва мустаҳкам ҳуқуқий омиллар барқарор тараққиётда ўз аксини топаётир. Юртимиз кундан-кун чирой очиб, кўплаб замонавий ижтимоий-маданий иншоотлар, кенг ва равон йўллар бунёд этилмоқда.

Бу ўзгаришлар силсиласи маънавий ҳаётимизда ҳам ўз ифодасини топаётир. Баркамол авлодни вояга етказиш ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари умуммиллий вазифага айланди. Бугун қай бир шаҳар ёки чекка қишлоққа борманг, кенг бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз.

Жумладан, янги-янги гузарлар, савдо ва маиший хизмат мажмуалари барпо этилмоқда. Бир-биридан кўркам ва замонавий ўқув ҳамда аҳоли саломатлигига хизмат қилувчи муассасалар қурилиши йил сайин кенгайиб бораяпти.

Кундалик турмушимизда муҳим ўрин тутувчи қишлоқ хўжалигини ривожлантириш изчил давом этаяпти. Шукрлар бўлсинки, заҳматкаш бободеҳқонларимиз меҳнати самараси ўлароқ бозорларимиз сархил меваю сабзавотлар билан тўла.

Йилларни номлаш, аниқ ва мақсадли давлат дастурлари бошланган ислоҳотлар ривожини янги босқичга кўтармоқда. Ҳар бир йилда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзаро меҳр-оқибат, самимият ҳисларини кучайтириб, жамият равнақига хизмат қилаётир.

Якунланаётган Ёшлар йили, жумладан, вилоятимиз салоҳиятида ўзига хос мазмун-моҳият касб этди. Давлат дастурига мувофиқ, ёшлар таълим-тарбияси, соғлом турмуши, шунингдек, ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаш, ижтимоий-маиший турмуш шароитларини яхшилаш, қолаверса, ҳаётда муносиб ўрин топишлари каби муҳим масалаларга алоҳида аҳамият қаратилди.

– Мен танлаган касбим билан фахрланаман, – дейди ёш педагог, Халқ таълими аълочиси Азизжон Қўшбоев. – Таълим соҳасига бўлган эътибор туфайли бугун мактабларимиз янги қиёфа касб этиб, барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Ёшлар йили Давлат дастурида таълимни ислоҳ қилиш масалаларига алоҳида ўрин берилган бўлиб, фаолиятим давомида шу истиқболли жараёнлардаги бевосита иштироким таълим-тарбия билан узвий боғлиқ бўлди. Баркамол авлодни тарбиялашдек шарафли ишда оз бўлса-да, ҳиссам борлигидан беҳад бахтиёрман.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда кириб келаётган 2009 йилга "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб ном берилди. Бу "Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун" деган эзгу тамойилнинг амалдаги ифодасидир. Зеро, нафақат қишлоқларимиз қиёфасини, балки, бу ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш саъй-ҳаракатларини янги поғонага кўтариш давр талабидир. Бу жараёнларнинг қандай давом этиши, оиламиз, она-юртимиз ҳаётида ижобий натижаларга эришиш ҳар биримизнинг эртанги кунни пухта ўйлаб қиладиган ҳаракатимизга боғлиқ. Яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдалансак, ҳеч шубҳасиз, янги йилда ҳам барча орзу ниятларимиз рўёбга чиқади. Юрт равнақи янада юксалади.

Фурсатдан фойдаланиб, кириб келаётган Янги йилда барча юртдошларимиз ва вилоят аҳлига сиҳат-саломатлик, омад ёр бўлишини тилаймиз. 2009 йил хонадонимизга қут-барака, тинчлик-осойишталик, файз олиб келсин. Тараққиёт ва фаровонлик йўлидаги бирдамлигимиз ҳар биримизга куч-қувват бахш этсин.

Кириб келаётган Янги йил муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

## БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ ЯНГИ МАРКАЗДА

**Чирчиқ шаҳрида янги гимнастика марказининг очилиши вилоятимиз спортчилари учун ҳақиқий байрам совғаси бўлди.**

Кўп йиллардан буён ташландиқ ва таъмирталаб ҳолда ётган бу спорт залининг мукаммал таъмири учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали 41 миллион сўм маблағ ажратди. Залнинг пол қисмига 22 минг АҚШ долларилик сунъий тўшама ётқизиб, 8,2 миллион сўмлик спорт жиҳозлари келтирилди.

Марказнинг очилиш маросимида бадиий гимнастика бўйича илк мусобақа ташкил этилди. Унда 100 нафардан зиёд спортчи қиз қатнашди. Мусобақа ғолиблигини Чирчиқ шаҳар жамоаси қўлга киритди. Иккинчи ўрин Қибрай, учинчи ўрин эса Пискент тумани жамоаларига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали томонидан эсдалик совғалари ва услубий қўлланмалар топширилди. Шунингдек, кам таъминланган оила фарзандларига спорт кийимлари тарқатилди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

## ФАЙЗЛИ ДАСТУРХОН АТРОФИДА

**Вилоят Қизил ярим ой жамияти ва унинг Янгийўл шаҳар бўлими ҳамкорлигида шаҳардаги "Ҳақиқат" фирмасида байрам тадбири ўтказилди.**

Тадбирга 20 нафар ёлғиз қария ва 20 нафар ота-она қаровисиз қолган болалар таклиф этилди. Улар учун байрам дастурхони ёзилди.

Кеча якунида иштирокчиларга ҳомийларнинг совғалари топширилди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

## ЎҚУВЧИЛАР УЧУН УЧРАШУВ

**Вилоят педагогика коллежида инсон қадр-қиммати, унинг ҳуқуқлари ва бурчлари масалаларига бағишланган суҳбат ташкил этилди.**

Ички ишлар ходимлари инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида гапириб беришди. Жиноятчиликнинг олдини олиш учун ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоатчиликнинг куч-ғайратини бирлаштириш муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўқувчилар ҳуқуқий масалаларда ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

**Хуршид РЎЗИЕВ.**

## ЙЎЛЛАР ҲАМИША РАВОН

**Янгиобод махсус йўл хўжалиги томонидан Тошкент – Ўш йўлининг 94-144-километрлари оралиғидаги масофани доимо соз ҳолда сақлаш, шунингдек, қиш мавсумининг хатарсиз ўтишига доир зарур чоралар кўрилди.**

Йўлнинг шу қисмини равонлаштиришда 12 та автогрейдер, 15 та ағдарма юк машинаси, керагича бульдозер ва бошқа ёрдамчи механизмлар иштирок этди. Айни вақтда Янги йил руҳини ифода этувчи безакли йўлчироқлар ҳамда афишалар водийни бевосита пойтахт билан боғловчи йўлга алоҳида кўрк бағишлаб турибди.

**Мунира ИСАЕВА.**



